

МОБИЛ АЛОҚА МУАММОЛАРИ: LTE (4G) ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тўртинчи авлод тармоқлари (4G) туркумига кирувчи LTE (Long Term Evolution — узок муддатли эволюция) технологияси мобил алоқа операторлари учун тармоқларининг ҳозирги кундаги чекланган сифимида юқори тезликдаги маълумот алмашинувини таъминлашдек муҳим ва бебаҳо эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган янги технология ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кейинги авлод мобил алоқа тармоғи сифатида жорий этилаётган LTE технологияси 3G технологияларидан радиочастота спектридан максимал даражада унумли фойдаланиш, маълумот узатиш-қабул қилишни юқори тезликда амалга ошириш имкониятини намайиш этиши билан фарқ қилади. Аммо, ҳар қандай янги технологияни жорий этишда бўлгани каби, LTE (4G) технологиясини ташкил этишда ҳам мобил алоқа операторлари олдида қатор муаммо ва қийинчиликлар вуждуга келади.



5-бет

Сўнги янгилик!

Ҳиндистонда оммавий секторнинг барча тизимларида очик дастурий таъминотдан фойдаланишни кўзда тутовчи қарор қабул қилинди.

"Давлат органлари электрон ҳукуматнинг барча тизимларида ёпик кодли дастурлар ўрнига очик кодли дастурий таъминотни жорий этиш учун чоратадбирларни кўриши шарт", — дейилади мамлакат Коммуникациялар ва ахборот технологиялари вазирлиги баёнотида.

Янги сиёсат Ҳиндистоннинг барча штатлари ва марказий бошқарув, янги иловалар, эски ва амалдаги тизимларнинг янгиланган шакллари учун бирдек кучга эга. Айрим "тор доирадаги" соҳалар учун истиснолар ҳам мавжуд.



Ушбу сонда:

■ Намунали хизмат кўрсатилди	2
■ "Очик маълумотлар" нимани англатади?	3
■ Ишончсиз-ишончли дастурлар	4
■ Torg стал OLX	6
■ Суғурта – химоя кафолати	12
■ Устоз бўлиш улўғ мартаба	16

Umadan umagacha

Мамлакатимизда 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловчилар рўйхатига киририлган 20 миллион 798 минг 52 нафар сайлаш ҳуқуқига эга фуқародан 18 миллион 942 минг нафари овоз беришда иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Хотамжон Абдурахмонович Кетмонов 552 309 нафар ёки 2,92 фоиз, Акмал Холматович Саидов 582 688 нафар ёки 3,08 фоиз, Ислон Абдуганиевич Каримов 17 122 597 нафар ёки 90,39 фоиз, Наримон Мажитович Умаров 389 024 нафар ёки 2,05 фоиз овоз тўплаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг брифинглари бўлиб ўтди. Брифингларда сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар Марказий сайлов комиссияси эълон қилган сайлов натижаларини тўлиқ тан олди ва Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлангани билан табриклаб, давлатимиз, халқимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги томонидан мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юрлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Пойтахтимизда "Камолот" ЕИХ Васийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган мамлакатимизда 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси муҳокама этилди.

Тошкентдаги Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси ўтказилди. Акция доирасида фахрийларга ташкилотчилар совғалари топширилди.

Шу йилнинг 29 март куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда ўтказилди. Сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 300га яқин вакиллари кузатиб боришди ва юқори баҳолашди. Барча 14 сайлов округидаги 8015 сайлов участкаси, шунингдек, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурдаги 44 сайлов участкаси сайловчиларни қабул қилди. Барча участкалар зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабийётлар билан таъминланди. Юрт келажиги, тараққиётида муҳим ўрин тутган мазкур жараённи қўнғилдагидек ташкил этишда алоқа соҳаси ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.



Намунали хизмат кўрсатилди

Узун тумани мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудида жойлашган бўлиб, Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Туманда 165000дан зиёдроқ аҳоли яшайди ва уларнинг 30 фоизидан кўпроги тоғли ҳудудларда истикомат қилади.

2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун туманда 48та сайлов участкаси ташкил этилди. Ушбу сайлов участкаларидан 11таси туман марказидан 70-100 км узоқликда тоғли ҳудудларда жойлашганди. Уларни сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш юзасидан алоқачилар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Туман марказида жойлашган 8та сайлов участкасига симли телефонлар ўтказилиб, интернет тармоғига уланди. Тоғли ҳудудлардаги учта сайлов участкаси билан рақия орқали алоқа ташкил қилинди. Қолган 44тасига "ЎзМобайл" стационар телефонлари ўрнатилди. Ҳар куни уч маҳалдан алоқа воситаларининг ишлаши текшириб турилди. Боғлама ходимларидан етакчи муҳандис С.Эшбоев, катта диспетчер Н.Тоирова, электромонтерлар И.Абдурахмонов, Н.Жумаев, Х.Ҳакимовлар бу жараёнда жонбозлик кўрсатишди.

А.САИДОВ,

**"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали
Узун телекоммуникациялар боғламаси бошлиги**

Қувончим чексиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиб, ўз конституциявий ҳуқуқидан кенг фойдаландим. Мустақиллик шарофати билан давлат бошқарувини ташкил этишда биз ёшларнинг ҳам иштирок этишимиз, ўз навбатида, зиммамизга юксак масъулият юклайди.

Бухоро шаҳрида туғилганман. 2013 йили ТАТУни менежмент йўналиши бўйича тугатиб, шаҳар телекоммуникациялар боғламасида ўз мутахассислигим бўйича иш бошлаганман.

Оиламизда мен билан бирга синглим — Хадича Каримова ҳам Президент сайловида илк

маротаба иштирок этди. У ҳозирги пайтда Бухоро Давлат университетининг инглиз тили филологияси факултетиде таълим олмақда. Барча ёшлар сингари менинг ҳам, синглимнинг ҳам орзу-мақсадларимиз ягона — у ҳам бўлса бизга билим ва тарбия берган шу азиз Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш, ота-онамиз орзусидаги эл-юрт ишига ярайдиган ҳалол ва меҳнатсевар кишилар бўлиб камол топишдан иборатдир.

Матбуот, радио, телевидение, қолаверса, интернет орқали сайловга оид янгиликлардан хабардор бўлиб борганимиз,

Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишганимиз туфайли Бухоро шаҳридаги 18-сайлов участкасида бўлиб, барча ҳамюртларимиз қатори биз — ёшлар ҳам сиёсий партиялардан кўрсатилган энг муносиб номзодни ёқлаб, мустақил Ватанимизнинг бугуни ва эртаси, бунёдкор халқимиз бахт-саодати ва фаровонлиги учун яқдиллик билан овоз бердик.

Мирфайз КАРИМОВ,

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали иқтисод ва прогнозлаш бўлими иқтисодчиси

4G LTE TDD технологияси асосидаги илк кенг полосали тармоқ

EVO бренди остида хизмат кўрсатувчи Super iMAX компанияси 4G LTE TDD (time division duplex) технологияси орқали интернетга уланиш бўйича кенг полосали тармоқни фойдаланишга топширди.

Бундай тармоқ МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ишга туширилди. Жорий йилда ушбу технологиядан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа йирик шаҳарлардаги абонентлар фойдаланиши мумкин бўлади.

2016 йил давомида тармоқ Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам кириб бориб, бунгача жорий этилган WiMAX технологияси бўйича ишлайдиган тармоқ ўрнини эгаллайди.

evo+
PREMIUM SERVICE PARTNER

Камарбаста

Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиалида байрам дастурхони ёзилиб, дошқозонларда сумалак қайнатилди.

Тадбирда филиал директори З.Воҳидов ва вилояти ҳокими Олий Мажлис сенатори Баҳодир Юсупов Наврўз айёми билан почта ходимларини муборакбод этишти.

— Шундай табаррук кунда почта ходимларининг фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди вилоят ҳокими Б.Юсупов. — Почта ходимлари нафақат сифатли почта хизмати кўрсатиб, пенсионерларга пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида етказилиб берилишида, балки юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида доимо камарбасталар. Бундай меҳнат доимо қадрланади.

Байрам тадбирига таклиф қилинган 50 нафардан ортиқ соҳа фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Ёшлардаги кўтаринкилик, шижоатни кўрган фахрийларимиздан Йўлдошхон ака Нажимов сўзга чиқиб, юртимизга тинчлик-осойишталик тилади, ёшларни ҳалол, пок ишлашга чақириб, барчани байрам билан табриклади.

Улугбек МАМАТОВ,
"Ўзбекистон почтаси"
АЖ Наманган филиали
ПАТЭБ бошлиғи

Ҳозир вилоят ахборот-кутубхона марказимиз 231 минг нусхадан зиёд адабиётлар жамғармасига эга. Электрон манбалар жамғармаси эса қарийб ўн бир мингга етди. Утган даврда 9 миллион 630 минг сўмликдан ортиқ янги адабиётлар келтирилди. Агар фаолиятимизни соғлом бола йили яқунлари доирасида таҳлил этадиган бўлсак, жамоамиз амалга оширган ишлардан қониқиб ҳосил қилиш мумкин.


Ягона тизим шаклланди

Йил аввалида Давлатимиз раҳбарининг "Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли китоби кўрғазмаси ташкил этилди. Унинг библиографик тавсифий шарҳи тузилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби юзасидан ўтказилган давра суҳбатлари йил давомида олиб борилди.

"Соғлом бола йили Давлат дастури" диққат марказимизда бўлди. Белгилаб олинган тадбирлар режаси асосида вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва болаларга хизмат кўрсатадиган масканлар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Натижада "Фарзандим — дилбандим", "Баркамол авлод — келажагимиз таянчи", "Соғлом бола — соғлом жамият демокдир", "Фарзанд камоли — ота-она бахти" мавзуларида турли оммавий тадбирлар ўтказдик.

Маълумки, буюк аждодларимиз таваллуди билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш аънаънага айланиб қолган. Булар қаторида халқимизнинг севимли шоири Мухаммад Юсуф таваллудига 60 йил тўлгани сабабли "Ватанин юрагидан куйлаган шоир" мавзуида шеърят кечаси ўтказилди.

Ахборот-кутубхона марказида 30та компьютер бўлса, шундан тенг ярми фойдаланувчилар ихтиёрига берилган. Мақсадимиз уларга кўрсатилаётган хизмат сифатини тубдан яхшилашга қаратилган. Жамоанинг ахборот технологиялари бўлими ходимлари электрон кутубхонада янги, замонавий компьютер, ахборот-коммуникация технологияларини ахборот-кутубхона фаолиятига татбиқ қилиш, АКМ иш жараёни автоматлаштириш ҳамда ах-



“Утган йилнинг ўзида "ИРБИС" дастури орқали 6514 номдаги 10 минг 928 нусха адабиётлар электрон каталогга киритилди.”

борот ресурслари ва интернетдан фойдаланиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Муҳими шундаки, мавжуд компьютерлар тўла маҳаллий тармоққа уланган, АКМ китоб фондиди каталогга киритиш жараёни давом этмоқда. Утган йилнинг ўзида "ИРБИС" дастури орқали 6514 номдаги 10 минг 928 нусха адабиётлар электрон каталогга киритилди.

Вилоятдаги умумтаълим муассасалари, лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда ҳарбий қисм муассасаларини электрон дарсликлар, ҳужжатлар билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришяпмиз. Хусусан, тасарруфимиздаги саксондан ортиқ ахборот-ресурс марказлари учун "Интернет тармоқларидан фаол фойдаланиш", "Электрон кутубхона ва ёшлар", "АРМда ахборот технологияларининг ўрни", "АРМларнинг мазлумот-библиографик аппаратурини ташкил этиш" каби мавзуларни қамраб олган ўн номдаги 38 нусха услубий қўлланмалар тайёрланиб, қўзланган манзилларга етказилди.

Албатта, ягона ахборот-кутуб-

хона тизимини шакллантиришда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб этилади. 2014 йилда беш нафар ходимимиз компьютер сабоқлари ўқув курсига жалб этилди. 12 нафари эса "Библиографиялар китобхоналарга беминнат кўмакчи" мавзуидаги республика семинарида қатнашиб қайтди. Ходимларимиздан яна бири ЮНИСЕФ гранти асосида пойтахтда ўтказилган машгулотларда иштирок этди. "Кутубхона ҳужжатларини замонавий технологияларда сақлаш"га доир вилоят ўқув семинари ҳам АКМ ва унинг тасарруфидаги АРМлар, ҳарбий қисм кутубхоналари ходимлари малакасини оширишга хизмат қилди.

Амалдаги 2015 йилни яхши кайфият билан бошладик. Дастлабки чоракда 13та компьютер олиб, биринчи марта электрон кутубхона залини очдик. "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" доирасида нурунийларнинг уйларида китобхонлик, газетхонлик соатларини ўтказяпмиз. Уларга сўралган китоблар етказиб берилмоқда. Йил мазмунига монанд амалий тадбирларимиз отахон ва онахонларимизга манзур бўлмоқда.

Шайдулла ХОЛИЁРОВ,
Сурхондарё вилоят
АКМ директори

Open Data — "Очиқ маълумотлар" нимани англатади?

Очиқ маълумотлар — интернет тармоғида барча фойдаланиши мумкин бўлган тизимлаштирилган, автомат тарзда ишланган, эркин ва бепул фойдаланишга мўлжалланган ахборотдир.

Очиқ маълумотлар жамланмаси — давлат ташкилотларидан олиниши мумкин бўлган тизимлаштирилган, алоҳида кўринишга эга бир турдаги ахборот бўлиб, автоматлаштирилган тизим ёрдамида инсон иштирокисиз маълумотларни шарҳлаш, мослаш, уларга ишлов бериш имконини беради.

Давлат ташкилотлари томонидан ахборотни тарқатиш, уни юзага келтириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Конституцияда белгилаб берилганидек, "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркин-

лиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мутаснодир".

Очиқ маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, шунингдек, давлат ташкилотларининг ваколати доирасида тўпланаётган, ишланаётган, сақланаётган маълумотлар асосида тўпланади, оммага тақдим этилади.

Эслатиб ўтамиз, яқинда мамлакатимизда очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) ишга туширилган.



egovernment.uz

Xalqaro
haqot

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ суриялик қочқинларга 10 млн. доллар ажратади. Бу қарор ҳақида Сурия инқирозини бартараф қилиш масалаларига бағишлаб Қувайтда ўтказилган халқаро конференцияда баёнот берилган.

ИСТАНБУЛ прокурори Селим Кираз гаровдан озод қилинган, касалхонада оғир жароҳатдан вафот этган.

Авалроқ Туркия ҳуқуқ ҳимоячилари шиддатли ҳужум уюштириб, прокурорни гаровга олган террорчиларни ўлдиргани хабар берилган эди. Уларнинг икки нафари "Инқилобий озодлик халқ fronti" сўл радикал гуруҳи аъзоси бўлган.

ЯМАНда сўнги ҳафтадаги тўқнашувлар оқибатида камида 62 нафар бола ҳалок бўлган, 30 нафарга яқини яраланган. Айни вақтда араб давлатлари коалицияси қуролли кучлари Яманда ҳокимиятни қўлга олган исёнчи-хусийчиларга қарши операцияни давом эттирмоқда.

САЙЁРАМИЗНИНГ энг кекса аёли япониялик Мисао Окава 1 апрел куни вафот этди. 1898 йилда туғилган Окава 5 март куни 117 ёшини нишонлаган эди.

ТАИЛАНД маликаси Маха Чакри Сириндхорн шу йилнинг 2 апрел куни 60 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан мамлакат қамқоҳоналаридаги кўплаб маҳбусларнинг амнистия орқали оммавий озод этилиши, шунингдек, белгиланган қамқоқ жазосининг муддати камайрилиши, айбларининг юмшатилиши кутилмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу амнистия тахминан 35 минг маҳбусга қўлланилади.

НИГЕРИЯ сайлов комиссияси генерал Мухаммаду Бухорийни мамлакат президентлиги учун сайловлар ғолиби деб эълон қилди. У жами 15 миллион 424 минг 921та овоз тўплаган, рақиби Гудлак Жонатанга эса 12 миллион 853 минг 162 нафар сайловчи овоз берган. Президентлик сайлови 28 март куни бўлиб ўтган.

АҚШнинг Science for Masses мустақил тадқиқотчилар гуруҳи томонидан қоронғида кўриш қобилиятини берувчи кўзга томизиладиган дори яратилди. Ушбу дори қоронғуликда 50 метргача бўлган масофадаги объектларни ажратиш имконини беради.

Secunia компанияси тайёрлаган навбатдаги йиллик ҳисобот (Secunia Vulnerability Review 2015) ялтираган нарса ҳар домм ҳам олтин бўлавермаслиги ҳақидаги нақл қанчалик тўғрилигини яна бир бор исботлади. Барча қўламадаги дастурларни қамраб олган мазкур таҳлилда 2014 йил давомида 3870та иловадан 15435та дарз-нуқсон топилгани ҳақида сўз боради.

Ишончсиз-ишончли
дастурлар

Калтакнинг энг каттаси Google Chrome браузерни "боши"да синди (унинг ҳимоя тизимида 504та нуқсон топилди). Бироқ "айбдорлар" рўйхатининг давомчилари ҳам бизга бегона эмас: Oracle Solaris (483та нуқсон), Gentoo Linux (350), Microsoft Internet Explorer (289), Apple Mac OS X (147), Windows 8 (105).

Компаниялар мисолида олиб қаралганда, "қора рўйхат"нинг дастлабки йигирматалигига Microsoftнинг иккита ишланмаси киритилган. IBM корпорацияси эса бемалол бу борада "мақтана" олади. Негаки, унинг нақ сақкизта маҳсулоти заифдан-заиф дастурлар рўйхатига тиркаб қўйилди: Tivoli Endpoint Manager (258та нуқсон), Tivoli


Storage Productivity Center (231), IBM Websphere Application Server (210) ва бошқалар.

Холисан олганда, маҳсулотнинг хавфсизлиги нафақат унда "дарз"ларнинг қанчалик кўплиги ёки камлиги, балки ана шу нуқсонларга қанчалик тез барҳам берилиши билан ҳам ўлчанади. Шунинг учун ҳамки, ҳар қанча танқидларга қарамасдан, Chrome бугунги кунда энг кучли ҳимояланган браузердир.

Бир нарсага қойил қолиш керак, Secunia компанияси маълум қилишича, ўтган йили топилган нуқсонларнинг 83 фоизда бир кунда масаланинг ечими топилган.

Энди Microsoft ҳақида икки оғиз. Негаки ТОП-50даги юк-

Secunia
Secunia Vulnerability Review
2015
Key figures and facts on vulnerabilities from a global information security perspective
Published March 25, 2015



ланмаларнинг 69 фоизи ана шу компания зиммасига тўғри келса-да, шу гуруҳдаги "дарз"ларда унинг улуши 23 фоиздан ошмайди. Бундан ҳам яхшироқ натижага 2012 йили эришилганди — 14 фоиз.

Ўтган йилги энг муаммоли дастурлар сифатида HeartBleed, SSL ва ShellShock сингари очик кодли дастурлар қайд этилди. Secunia мутахассислари таъкидлашича, очик кутубхоналардан фойдаланувчи иловалар янгиланишлари кам олиш билан бир қаторда, тизимда носозлик мавжудлиги ҳақида хабар ҳам қилмайди.

QISQA SATRLARDA

Samsung компанияси жаҳондаги биринчи 10-нм топологияга асосланган мобил процессорлар ишлаб чиқди. Янги технология ишлаб чиқарувчанлиги 20 фоизга, энергия тежамкорлиги 35 фоизга яхшилиги маълум қилинган.

Facebook компанияси сайёрамизнинг узоқ чеккаларини интернет билан таъминлаши кўзда тутилган дронларни синовдан муваффақиятли ўтказди. Тармоқ раҳбари Марк Цукербергнинг айтишича, учувчисиз бошқарилувчи бу учоқларнинг қанот узунлиги Boeing 737 самолётиникига тенг бўлиб, ерга қўнмасдан бетиним бир неча ойгача парвоз қила олади.

Microsoft компанияси Surface 3 планшетни тақдимотини ўтказди. Дисплей диагонали 10,8 дюйм, тўрт ядроли Intel Atom x7 процессори билан таъминланган бу қурилма май ойида сотувга чиқарилади.

HTC планшетлар бозорига қайтмоқда. Компаниянинг T1H дея шартли ном берилган янги қурилмаси 8,9 дюйм дисплейга эга бўлиб, 8 ядроли Allwinner H8 процессори 2,2 ГГц. частотада ишлайди.

Intel процессорлар чиқарувчи Altera компаниясини ўз таркибида кўришни истаяпти. Айрим манбаларда келишича микдори 10 млрд. доллар атрофида бўлиши келтириляпти — агар томонлар келиша олса, бу Intel тарихидаги энг катта харидга айланади.

Apple, интернетдаги хабарларга кўра, жорий йил охиригача iPhone смартфонининг учта янги русумини тақдим этади.

S.ТЕМИРОВ тайёрлади

Samsung, Apple,
яна ким?

Digitimes Research компанияси янги ҳисоботини тақдим этди: унда жорий йил смартфонлар бозори етакчилари кимлар бўлиши ҳақида сўз боради. Демак, мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, жорий йил якунига қадар Samsung Electronics етакчи смартфонлар вендори мақомини сақлаб қолади. Кейинги кетма-кетлик қўйидагича: Apple, Lenovo, LG Electronics, Huawei, Xiaomi, Microsoft, TCL Communication, Coolpad ҳамда Oppo.

Агарда ҳисоблашлар тўғри чиқса, 2015 йилнинг яққол икки пешқадами — Samsung ва Apple мувофиқ равишда 330-230 миллионга қурилма сотишга эришади. Хитойнинг Lenovo компанияси эса бозорни 84 млн.та қурилма билан тўлдирди. LG ҳамда Huawei компаниялари 67 ва 65 миллиондан смартфон сотиб, етакчи бешликка кириди.

Дастурий таъминотлар орасида Android танҳо етакчиларни ўз қўлига олади: вендорлар ТОП-унлигига киритилган смартфонларнинг 70 фоиздан зиёди шу платформада ишлайди.

Samsung Galaxy S6 йил бошидаги энг кучли смартфонлар рейтингда етакчилик қилмоқда.

◀ 1-бет



МОБИЛ АЛОҚА МУАММОЛАРИ: LTE (4G) ТЕХНОЛОГИЯСИ

Умумий ёки ягона (конвергация қилинган) тармоқни яратиш билан боғлиқ муаммолар

Бунда айрим компаниялар "forklift" усулида мавжуд технологиялар ўрнига бутунлай янгитдан ва олдинги авлод технологияларидан воз кечган ҳолда тармоқ қуришни бежалаштирса, бошқа бир телекоммуникация компаниялари эса ҳар хил авлод тармоқлари базасида ўзаро ҳамоҳанг ишлайдиган ва катта ўзгаришларга йўл қўймасдан бир вақтда ишлаш имконини берувчи замонавий конвергация тармоқларини яратишга ҳаракат қиладилар. Лекин иккала ҳолатда ҳам бу жараёнлар жуда мураккаблиги ва кўп маблағ талаб қилишини эътиборга олиш лозим. Бунда янги технологияни ҳаётга татиқ этиш мобил алоқа операторининг молиявий имкониятларига ва алоқа тармоғини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар миқдорига бориб тақалади.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, 2Gдан 3G тармоғига ўтиш даврида мавжуд инфратузилма айтарли ўзгаришларга учрамагани, аммо янги авлод 4G технологиясини ҳаётга татиқ этишда алоқа ўрнатилишининг янги усулдаги радиоқирши имкониятлари (радиодоступ) ва тармоқ асосини қайтадан ташкил этиш мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи компаниялар учун қийинчиликлар туғдиради.

Ўсиб бораётган маълумотлар оқимини LTEга мослаштириш ёки ўтказиш

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, LTE тармоғига миграция жараёни катта миқдордаги маблағларни талаб этади. Шунингдек, кириб келаётган LTE технологияси телекоммуникация соҳасида шу пайтгача мавжуд аънавий бизнес моделлари принципларини бузиши кутилмоқда. Бунда SMS ва овозли алоқа хизматида кўшимча равишда юқори тезликдаги маълумот алмашинуви учун фойдаланиладиган Skype, Viber, Telegram ва WhatsApp сингари кенг қўламли мултимедиа хизматларидан фойдаланиш имкониятининг вужудга келиши компаниялар олдида контент яратиш, абонентларни керакли ва белгиланган сифат даражасидаги маълумотлар билан таъминлаш билан боғлиқ кўшимча муаммоларни ҳам юзага чиқаради.

Кутилганидек, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи компанияларнинг деярли барчаси янги технологияни жорий этишнинг дастлабки учинчи-тўртинчи йилларигача бу муаммоларга қайта ва қайта дуч келаверадилар. Мисол тариқасида, мобил қурилмалари воситасида видеомулукотлар ўрнатувчи Skype хизматидан фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги тармоқ орқали юбориладиган маълумотлар оқими миқдорини сезиларли даражада оширганлиги экспертлар томонидан аниқланди. Юқори тезликда хат алмашинув хизматлари туркумига кирувчи Viber, Telegram ва WhatsApp сингари хизматларнинг яратилиши, ривож ва рисоладагидек фаолият юритиши эса янги тармоқлар олдида кўшимча имкониятлар яратиш ва бошқа талабларни қўяди.

Компанияларнинг бу технологияга ўтиш сабабларидан бири, бу овоз ва бошқа кўшимча хизматлар маълумотларининг бир вақтнинг ўзида ягона сигнал сифатида юбориш имконининг яратилганлиги ва тармоқдан қабул қилинган маълумотларни абонент мобил қурилмасининг ўзидагина ажратиб олиш ва фарқлаш имкониятининг тақдим этилиши, яъни абонент телефони ёрдамида қабул қилинган маълумотнинг юқори сифатли товуш, видео ва маълумот эканлигини фарқлай олиш имкониятларининг яратилишидир.

Маълумот алмашинувининг янги баҳолаш тизимида ўтилишини режалаштириш

Телекоммуникация компаниялари ўзларининг 4G тармоқларига сарфланган улкан миқдордаги инвестицияларини оқлаш мақсадида мавжуд маълумот-нарх моделларига тубдан ўзгаришлар киритишларига тўғри келмоқда. Бунга эришишнинг учта йўли мавжуд бўлиб, ҳозирда фойдаланувчиларнинг барчаси бундан бохабардирлар.

Биринчидан, компаниялар томонидан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган LTE хизматлари сифатини таъминлаш мақсадида ҳозирда мавжуд нарх моделларига боғлиқ бўлган кўшимча мажбуриятлар ва шартлар жорий этилиши мумкин. Ҳозирда баъзи бир мобил алоқа операторлари томонидан абонентларга 4G хизматидан фойдаланиш мажбуриятлари сифатида маълум бир маблағ миқдоридagi кўшимча махсус шартлар жорий этилган. Масалан, янги хил тарифларга ўтиш, замонавий телефонлар сотувини айнан компания-

нинг ўзида амалга ошириш ва бонус кўринишидаги интернет пакетларни сотиб олиш мажбуриятларининг жорий этилиши. Натижада бу сиёсат воситасида компания томонидан тақдим этиладиган хизматлар харажатлари қисман қопланишига эришиш мумкин.

Иккинчидан, телекоммуникация компаниялари олдинги авлод технологиялари талабига мос келадиган "ягона тўлов тизими"дан воз кечиб, янги авлод эҳтиёжларини қондирадиган замонавий "сарфлаганиннга тўла" нарх тизимига ўтишлари мумкин, яъни бунда абонент ўз эҳтиёжига ва фойдаланиладиган маълумот миқдорига қараб тўловни амалга оширади. Бу стратегия, ўз навбатида, аънавий тўлов тизимида кўниккан фойдаланувчилар орасида норозилик кайфиятини уйғотиши мумкин.

Учинчидан, телекоммуникация компаниялари "сифатга асосланган тўлов" тизимида ўтишлари ҳам мумкин, бунда тўлов тақдим этилган хизмат сифати ва муҳимлигига қараб баҳоланади. Масалан, баъзи бир чет эл операторлари ўз мижозларига белгиланган сифат ва тезлик асосида хизматлар тақдим этишни жорий этганлар.

Аммо, экспертлар фикрига қўра, "сифатга асосланган тўлов" тизими фойдаланувчилар томонидан доимий равишда кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтириши ва шу билан бирга, операторлар томонидан тақдим этилаётган маълумотлар ҳажми ва қўламини баҳолаш борасида кўшимча муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

4G технологияси учун тўғри роуминг тизимини амалга ошириш

LTE технологияси радио спектрининг ўзаро мувофиқликда ишлаш имконияти паст даражадалиги сабабли ушбу технологияларда глобал миқёсдаги роумингни таъминлаш техник жиҳатдан жуда мушкул вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда LTE стандарти учун фойдаланиладиган частота спектрларидан келиб чиқадиган бўлса, маълумотлар узатишнинг роуминг тизимида LTE қурилмасидан фойдаланиш учун ушбу қурилма камида 15 хил частота спектрда ишлаш имкониятига эга бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, муҳандислик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, мазкур қурилманинг шу қадар кўп частота спектрларида ишлашини таъминлашда улкан мушкулликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, аксарият мутахассислар мобил алоқа соҳасида кейинги ўн йилликлар давомида ҳам 3G асосидаги маълумотлар узатишнинг роуминг тизими олдингидек устунликни сақлаб қолади, деб ҳисоблашмоқда.

Хулоса шуки, рақобат муҳити ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг яшин тезлигида ўсиб бораётган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мобил алоқанинг ривожланган ва замонавий технологияларига ўтиш — мобил алоқа операторлари олдида турган долзарб масала. Ўз-ўзидан, бу жараёнлар натижасида юзага келадиган ва юқорида ёритиб берилган турли даражадаги катта ва кичик муаммоларнинг ечимини топиш мобил алоқа хизматларини тақдим этадиган йирик компанияларнинг яқин келажакдаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Б.ШОДИЕВ,

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг МАТМ ва РЧФНҚ бўлими 2-тоифали муҳандиси

В парламенте обсуждается законопроект "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "Об электронной коммерции" (в новой редакции).



Совершенствуются

правовые основы электронной коммерции

Правовая база, обеспечивающая динамичное развитие электронной коммерции (ЭК), включает в себя законы "Об электронной коммерции", "Об электронных платежах", "Об электронной цифровой подписи" и др.

Законопроект "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "Об электронной коммерции" (в новой редакции) направлен на усовершенствование сферы электронной коммерции и призван создать дополнительные условия для дальнейшего развития предпринимательства и улучшения деловой среды, а также для организации технологичной рыночной инфраструктуры, отвечающей международным стандартам.

— Законопроект предусматривает введение норм, устанавливающих возможность оформления коммерческих предложений, счетов-фактур и других документов, связанных с заключением и исполнением договоров ЭК не только на бумажных носителях, но и в электронной форме, расширяющих состав информационных посредников, предоставляющих субъектам ЭК услуги по совершению электронных сделок, — комментирует документ Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, член комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса по вопросам информации и коммуникационным технологиям. — Кроме того, в законопроекте уделяется особое внимание обеспечению безопасности информации и защите персональных данных участников ЭК.

Показателен зарубежный опыт в электронной коммерции, где традиционные способы продажи все более интенсивно замещаются электронными формами коммерции. Согласно данным аналитических агентств, в настоящее время около 10% населения планеты уже делают покупки через интернет, и

динамика их роста идет в геометрической прогрессии.

Этот правовой акт открывает новые возможности для широкого применения информационных технологий в деятельности госорганов и хозяйствующих субъектов, осуществления государственных и корпоративных закупок в электронной форме.

Сегодня законопроект дорабатывается рабочей группой для рассмотрения нижней палатой парламента на предмет принятия его во втором чтении. Для обеспечения широкого общественного обсуждения проект новой редакции закона был размещен на официальном сайте Законодательной палаты, проведены обсуждения законопроекта в экспертной среде. В результате было получено более 120 замечаний и предложений со стороны экспертов, специалистов, ученых и практиков. Они направлены на:

- сокращение расходов на проведение торговых операций и решение проблем, связанных с географической удаленностью друг друга субъектов сделок;

- создание условий для оперативного заключения контрактов между продавцами/покупателями, а также появлению новых участников на рынках (в этих условиях субъекты малого бизнеса смогут успешно конкурировать на внешних рынках);

- повышению прозрачности операций, что позволит практически мгновенно получать полную информацию о ценах, качестве и условиях поставки, предлагаемых различными конкурентами.

Принятие закона расширит возможности предпринимательской деятельности, осуществляемой на основе информационных систем, создаст условия для использования новых, инновационных методов коммерции.

www.norma.uz

"Узбекистон почтаси":

совместные семинары

25 марта текущего года совместно с Федерацией обществ защиты прав потребителей Узбекистана утвержден план-график по проведению совместных семинаров для пользователей услуг почтовой связи.

На семинарах будут даны разъяснения по действующим нормативно-правовым актам в сфере почтовой связи, защите прав потребителей при оказании услуг почтовой связи и культуре обслуживания клиентов в объектах почтовой связи.

Совместные семинары будут проводиться во всех филиалах АО "Узбекистон почтаси" со 2 июня по 19 июня текущего года.

Подсистема

информационной автоматизированной банковской системы "Валютное управление"

Программистами из общества с ограниченной ответственностью "FIDO-BIZNES" разработана подсистема информационной автоматизированной банковской системы "Валютное управление" для ЭВМ.

Данная программа применяется в банковских учреждениях всех уровней. Её целью является создание единой централизованной базы данных учета валютных операций и движения валютных средств.

Программа обеспечивает автоматизацию ведения учета для следующих международных операций: валютные операции, валютное ОКО, форексные операции, аккредитивы, банковские переводы, депозиты юридических лиц по учёту межбанковских депозитов, с полной интеграцией с S.W.I.F.T., авторизация исходящих SWIFT — сообщений подсистемы "Межбанковские депозиты", функциональный модуль "Импортно-экспортные контракты".

Авторы — О.В.Базаров, В.Г.Бербер, А.А.Гоипов, Т.К.Дадажанов, М.М.Дурманов, С.А.Маманазаров, С.Ж.Муминов, А.Б.Рахимов и Н.Сагдуллаев получили свидетельство DGU 02965 на данную программу.

Torg стал OLX

С 31 марта 2015 года крупнейшая в Узбекистане доска объявлений Torg.com работает под новым названием — OLX.uz. Популярный сервис присоединился к самой большой в мире сети сайтов бесплатных объявлений OLX.

"Цель ребрендинга — объединить площадки по всему миру под одним брендом, а также укрепить и расширить международное присутствие OLX на глобальном уровне. Узбекские сайты достойны быть в одном ряду с крупнейшими зарубежными проектами. Это событие дает нам возможность делиться опытом с коллегами по всему миру, а также использовать их знания и наработки для улучшения сервиса в нашей стране", — прокомментировал генеральный директор OLX.uz Вячеслав Кан.

Все посетители, переходящие по ссылке <http://www.torg.com/> будут автоматически переадресовываться на новый адрес <http://olx.uz/>.

VI-я ежегодная

студенческая медиа-конференция

16 апреля в Малом зале Дворца культуры Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека пройдет VI-я ежегодная студенческая медиа-конференция факультета журналистики. В этом году организаторы конференции обозначили главную цель мероприятия — "Изучение феномена интернет-журналистики". Главной темой будет — "Аудитория интернет-СМИ".

Как ожидается, гостями конференции станут представители отечественных интернет-изданий, таких как uz24.uz, Gazeta.uz, Kun.uz, Daryo.uz, Telegraf.uz, Sharh.uz.

Во второй части медиа-конференции будут награждены победители в более чем 10-ти номинациях, а также пройдут конкурс интермедиа и музыкальные выступления.

Хабарлар + TV

ДУШАНБА 6 АПРЕЛ

5.55 Қўрсатув дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ёр сайёраси". Х/ф.
7.20 Миллий сериал: "Тухан атрофидагилар".
8.00 "Таҳдинома".
8.40 "Барҳат денгиз". Х/ф.
9.20 "Руханион". Т/с.
10.00 "Юрган - дарё" - 1-қисм.
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.06 "Рафиқалар ва қизлар". Б/ф.
1-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хилоф сари".
14.45 Миллий сериал: "Меҳмон-жондоран айланай".
15.15 "Табит мужазилари". Х/ф.
15.45 "Иқлим".
16.00 "Завқат".
16.30 "Ахборот".
17.10 "Субботдош".
17.20 "Қорачик".
17.40 "Агроолам".
18.00 "Қўнғил қишқ истайди".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.30 "Иқлим".
19.05 "Иқлимонт".
19.25, 20.00 20.55 Этнолар.
19.30 "Ахборот" русч.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.40 "Ахборот".
22.00 "Муқаббат".
22.25 "Қўнғил қишқ истайди".
22.30 - 23.15 "Доктор Хаус". Т/с.
23.00 "Ватанпарвар".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Иқлимонт".
1.10 "Ахборот" русч.
3.00 Миллий сериал: "Меҳмон-жондоран айланай".
2.00 "Шарқ таронолари".
2.15 Теле-Текст: "Дабраҳат тик туриб жон берди".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Тухан атрофидагилар".
5.20 "Богаро".
5.35 - 5.55 "Агроолам".

3.10 "Тараним".
3.50 "Ўқиб-муқаббат дунё".
4.40 "Доктор Куни". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00. "Роуат".
06.20 Миллий сериал: "Фидоилар".
07.00 "Тошкент вақти".
09.10 "Ўзе Мария". Т/с.
09.20 "Роуат-sport".
10.20 "Посредник Кейт". Т/с.
11.10 "Человек который изменил все". Х/ф.
11.15 "Бахт қўргони".
13.45 "Роуат-героат".
14.15 "Земля, сплотившая сердца".
14.40 "Роуат-biznes".
15.10 "Иттиқом". Т/с.
15.50 "Роуат-sport".
16.10 "Нью-Йоркдаги лаҳзалар". Б/ф.
16.35 "Эртанинг ағалари".
17.55 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Химоя".
18.35 "Мобила камераси".
18.50 "Роуат-intervyu".
19.00 "Ўзе Мария". Т/с.
19.45 "Теле-маркет".
19.45 "Роуат-biznes".
00.05 "Дастур асосиди".
00.25 "Телегазиди".
01.00 "Роуат-еко".
01.10 "Посредник Кейт". Т/с.
01.50 "Роуат-biznes".
02.10 "Мари ва мен". Б/ф.
03.55-05.55 "Тошкент вақти".

6.00 "Хайри тон!".
6.05 Қўрсатув тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.40 "Орзулар кемаси".
6.50 АНОНС.
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Sport Mesto".
8.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
9.20 АНОНС.
9.25 "Куч бирликми".
03.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 "Хабадрлар уинлари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
13.00 Велоспорт.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Баскетбол.
15.40 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.55 АНОНС.
17.20 "Болалар спорти".
17.45 АНОНС.
17.50 Техноспорт.
17.55 АНОНС.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.20 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ.
17.10 АНОНС.
17.15 Қўрсатув тартиби.
17.20 "Болалар спорти".
17.45 АНОНС.
17.50 Техноспорт.
17.55 АНОНС.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.20 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ. ТУРГИДАН-ТУРГИ ОЛИБ ҚУРСАТИЛАДИ.
20.30 АНОНС.
20.35 "Футбол шарҳи".

21.25 "SPORT-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Mesto".
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 Техноспорт.
23.45 АНОНС.
23.50 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ.
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 "Т спорт".
2.10 АНОНС.
2.15 Велоспорт.
3.25 АНОНС.
3.30 Чим устида хоккей. Чемпионлар лигаси.
4.40 АНОНС.
4.45-6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00 08.00 11.00 14.00 02.00 Новости
07.05 "Теле мусаб".
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Мозный приговор
10.30 Фарада
11.15 "Сегодня вечером"
11.05 Смак
13.40 "Время покажет".
14.20 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Дважды прекрасная"
19.00 "Пусть говорит"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Однажды в Ростове"
21.05 "Вечерний Ургант"
22.40 "Поэзия"
23.50 Ночные новости
23.55 Т/с "Страна 03"
00.05 "Наедине со всеми"
01.45 "Время покажет". Продолжение.
02.05 "Время покажет". Продолжение.
02.35 Модный приговор

05.00 "Утро России"
09.00, 03.20 "Диктатура женщин"
09.55 "О самом главном"
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время.
11.55 "Вести-Москва".
11.55 Т/с "Тайны следствия"
12.55 "Особый случай"
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Последний январь"
16.00 Т/с "Цвет черемушки"
18.15 "Прямой эфир"
20.00 "Спокойной ночи, малыши!"
21.00 Т/с "Скляfosский язык"
22.50 "Анализеттики. Пить или не пить?"
23.50 "Дежурный по стране"
00.05 "Горная джестка"
01.55 Т/с "Частное лицо"
04.50 "Комната смеяться".

13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Все будет хорошо!
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
17.00 Говорим и показываем.
18.40 Т/с "Ленинград 46"
20.40 Т/с "Менталес войны"
21.40 Антонина для случайного
22.30 Т/с "Мастера секса"
23.40 Т/с "Второй шанс"
00.55 Д/ф "Ахтунг, русши!"

РОССИЯ К

07.00 "Евроинфо".
10.00, 15.00, 19.00, 23.10 Новости культуры.
10.15, 23.30 "Наблюдатель".
11.15, 00.25 Т/с "Расследования комиссара Мегро".
12.10 Д/ф "Магия стекла".
12.25 Д/ф "Одиссей одной семьи. Нет ничего в жизни случайного".
13.10 Линия жизни.
14.05, 01.40 Т/с "Петербургские тайны".
15.30 Литературные Перелетки.
15.40 Д/ф "Евлия Соловей".
Преображение.
16.10 Х/ф "Раба любви".
17.45, 01.15 Микала Плетнев.
18.15 Д/ф "Светлая жизнь".
19.15 Главная роль.
19.30 "Сати. Несконная классика...".
20.10 "Спокойной ночи, малыши!".
20.25 "Правила жизни".
20.55 Д/с "Старым".
21.25 "Тем временем".
22.15 Т/с "Потерянные пирамиды Кипрания".
02.40 Д/ф "Баухауз. Мифы и заблуждения".

СТС


07.00 00:30 "6 кадров".
08.00 Мультифильм.
09:00 "Животный смех".
09:30 "Папины дочки".
10:30 14:15 19:00 "Ералаш".
11:00 "Талисман".
12:00 "Ковбой против пришельцев".
Фантастический боевик, США, 2011.
16:00 Шоу "Уральские пельмени".
Худем в тесте. Часть 1".
17:00 "Маргоша" Драмеди.
18:00 "Талисман".
20:00 Мультифильм.
20:30 "Уральские пельмени".
Худем в тесте. Часть 2".
21:00 "Коралл" Фантастико-приключенческий сериал.
22:00 "Мучнина по вызову".
Комедия, США, 1999.
23:00 "Агенти Ш. И. Т.". Фантастический сериал.
01:30 "Кино в деталях с Фелором Бондарчуком".

ТВ3

06.00 Мультифильм.
09.30 Д/с "Вокруг Света".
10.30, 11.00, 11.30, 12.00, 12.30 Т/с "Бел светилетели".
13.30 Д/с "Городавские легенды".
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за призраками".
15.00 "Мистические истории".
16.30, 16.30 Д/ф "Галакка".
17.00, 17.30 Т/с "Слепа".
18.00, 01.15 "Х-Версии. Другие новости".
18.30 Т/с "Пятая стража".
19.30, 20.30 Т/с "Ночью".
20.30, 22.20 Т/с "Менталист".
23.15 Х/ф "Зона смертельной опасности".
01.45 Т/с "Византийский удар".


НТВ

05.00 Кофе с молоком.
08.00 Дело врачей.
09.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
09.20 Т/с "Возвращение Мухомара".
11.00 Суд присяжных.
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт.




5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ер сайёраси". Х/ф.
7.20 Миллий сериал: Тухан атрафдагилар.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Қариб ҳақиқат". Х/ф.
9.30 "Рухидоно". Т/с.
10.10 "Юрган - дарё." 2-кўсим.
10.30 "Субҳатилар".
10.40 "Қорчиқ".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ринглар". Т/с.
11.55 "Ўқим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Рафидилар ва қўллар". Б/ф. 2-кўсим.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қўрағонларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
15.10 "Табиат мўъжизалари". Х/ф.
15.40 "Ўқим".
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Қўнғиз ободлиги".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Ўзбек модели".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қалб гавҳари".
17.40 "Қўнларнинг бирлиги".
17.55 "Ўқим".
18.00 "Қўнғиз қўнғиз истайд".
18.05 "Ахборот".
18.50 2015 йил - "Кексакириги эълонлаш йили". "Эъоз".
19.15, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Муқаддас ринглар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ўстурлоб".
22.00 "Қўнғиз қўнғиз истайд".
22.05 - 22.50 "Доктор Хаус". Т/с.
22.50 "Қўрағонларимиз ҳақида".
23.15 "Қўнғиз ободлиги".
23.25 "Ўзбек модели".
00.00 Миллий сериал: Туташ тақдирлар.
00.40 "Эъоз".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
2.00 "Шарқ тароналари".
2.15 Телсе Гейт: "Дареклар тик туриб жон берди". 2-кўсим.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: Тухан атрафдагилар.
5.20 "Ўстурлоб".
5.40 - 5.55 "Қўнларнинг бирлиги".

22.30 "Смокинг". Б/ф.
00.10 "Шарқ гавҳари".
1.00 "Афсона ва ҳақиқат".
2.00 "Қизлар мистери".
2.20 "Ўқим".
2.50 "Сомон ҳаёт".
3.10 "Тарангум".
3.30 "Муъжизалар дунё".
4.40 "Доктор Қўни". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".




05.55 "Ягонаси, муқаддас Ватаним".
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00. "Рухидо".
06.20 Миллий сериал: "Физойлар".
07.00 "Тошкент вақти".
09.10 "Ўс Марин". Т/с.
09.50 "Рухидо-эрон".
10.20 "Посредник Кейт". Т/с.
11.15 "Прайд и чувства". Х/ф.
13.10 "Ўқим".
13.30 "Киногадими".
13.50 "Рухидо-intervyu".
14.10 "Эртаним эгаллари".
14.30 "Рухидо-biznes".
14.40 "Пойтахт ўйинлари".
15.10 "Ўқим". Т/с.
15.50 "Рухидо-эрон".
16.15 "Она-инлар". Б/ф.
17.55 "Ишга марҳамат".
18.20 "Саломат бўлинг" тележурнали.
18.50 "Ўқим".
19.00 "Ўс Марин". Т/с.
19.45 "Теле-маркет".
20.20 "Ўқим". Т/с.
21.10 "Ўқим".
21.35 "Рухидо-madaniyat".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Срочная доставка". Х/ф.
23.45 "Рухидо-Hi-tech".
02.05 "Сайёр кавари".
03.00 "Тақдирлар".
01.00 "Рухидо-madaniyat".
01.10 "Посредник Кейт". Т/с.
02.10 "Нью-Йоркдаги лаҳзалар". Б/ф.
03.35 "Ўқим ховлон".
03.55-05.55 "Тошкент вақти".




6.00 "Хайрат тони".
6.05 Курсатувлар тартиби.
6.10 "Қўнқос старлар".
6.40 АНОНС.
6.45 "Халқ ўйинлари".
6.55 АНОНС.
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАВАРЛАР.
8.10 "Спорт Метео".
8.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
9.55 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Оғ спорт.
11.55 Рақамлар, нитколар, ринглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
13.00 АНОНС.
13.05 "Футбол шарҳи".
13.55 АНОНС.
14.00 ХАВАРЛАР.
14.13 АНОНС.
14.20 Велоспорт.
15.30 "Бизлигим".
15.35 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.55 АНОНС.
17.00 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КЎНДАЛИГИ.
17.10 АНОНС.
17.15 "Соқкер клуб".
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 "Ифтихориман, спорт!".
18.15 АНОНС.
18.20 "Техноспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАВАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 ФУТБОЛ. ОСИЕ ЧЕМПИ-


ОНЛАР ЛИГАСИ. "НАСАФ" (ЎЗБЕКИСТОН) - "АЛ-АХЛИ" (БАА) ТУРФИДАН-ТУРФИ ОЛИБ ҚУРСАТИЛАДИ.
20.55 АНОНС.
21.00 ХАВАРЛАР.
21.20 "Sport Mетео".
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
21.30 ФУТБОЛ. ОСИЕ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. "АЛ-АБИ" (БАА) - "ПАХТАКОР" (ЎЗБЕКИСТОН).
23.10 АНОНС.
23.15 "Осие футбол".
23.35 АНОНС.
23.40 "Техноспорт".
23.45 АНОНС.
23.50 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КЎНДАЛИГИ.
00.00 АНОНС.
00.05 КИЛИЧБОЗЛИК. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.
2.05 АНОНС.
2.10 ХАВАРЛАР.
2.30 АНОНС.
2.35 Чўч устда хоккей. Чемпионлар лигаси.
3.45 АНОНС.
3.50 Автопола.
4.35 АНОНС.
4.40-6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.



04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 08.00 11.00 14.00 02.00 Новости.
07.05 "Путь говорит".
08.10 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово".
09.35 Молный притвор.
10.30 Факция.
11.15 Т/с "Олимпиада в Ростове".
12.55 Саях.
13.40 "Время покажет".
14.20 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся".
19.00 "Путь говорит".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Олимпиада в Ростове".
22.05 "Вечерний Ургант".
22.40 Ночные новости.
23.00 "Структура момента".
23.55 Т/с "Страна 03".
00.05 "Наедине со всеми".
01.45 "Время покажет".
02.05 "Время покажет". Продолжение.
04.55 "Человек мира". Абу-Дабь
05.50 "Максимальное приближение". Вкус Каталонии
06.10 "Максимальное приближение". Венгрия
06.40 X/ф "Сын вороны.
Добыча"

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Табриклайди!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали жамоаси Яйпан ПАТ ходими Лазоқатхон УЎЛМАСОВНИ 50 баҳорни қарши олаени билан чин юракдан табриклайди. Унга саломатлик, фарзандлар бахти камолини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали жамоаси ҳамда филиал қасаба уюшмаси кўмитаси филиалнинг ишлаб чиқариши ва янги хизматларни таъшиқ этиши бўлими бошлиғи Камолiddин ҚАМБАРИДДИНОВНИ 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга муштаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар роҳатини кўриб юришни тилайди.

"Энг яхши Windows-илова"

НОМИНАЦИЯСИ ГОЛИБИ БИЛАН СУХБАТ

Маълумки, яқинда ТАТУда мазкур олий ўқув юрти талабалари ҳамда ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг доирасида бир қатор иқтидорли талабалар ишлаб чиққан дастурлар ташкилотчилар томонидан юқори баҳоланди.

"Дастурий инжиниринг" факултети 3-босқич талабаси Хусанбой Убайдуллаев "Энг яхши Windows-илова" номинациясида голиб бўлди. Кўргазмада "e-Lug`at" электрон луғат дастури билан иштирок этган Х.Убайдуллаев билан суҳбатлашдик.

— "e-Lug`at" дастурининг қандай афзаллик томонлари бор?

— Мазкур дастур уч тилда ишлайди. Булар — ўзбек, рус ва инглиз тилларидир. Дастур ёрдамида олти йўналиш бўйича сўзларни таржима қилиш имконияти мавжуд. "e-Lug`at" дастурининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, унинг ёрдамида нотаниш сўзларни тескари таржима қилиш мумкин. Ушбу дастур чет тилларини мустақил тарзда ўрганувчилар учун ҳам тавсия этилади.

— Дастурни яратишда қайси устозларингиз билан биргаликда ишладингиз?

— Дастурий инжиниринг факултети декани Фурқат Раҳматов ўз маслаҳатлари билан менга кўмаклашди. Илмий раҳбарим билан биргаликда бошқа кўплаб илмий ишлар олиб борганмиз.

— Ҳозирда қандай дастурлар устида ишлаяпсиз?

— Айни кунда биз инсон физиологияси ва органлари ҳақида электрон

дастур яратяпмиз. Унда мазкур фанга оид барча маълумотларни топиш мумкин. Шунингдек, фойдаланувчилар дастурдан ўрин олган тест саволлари орқали ўз билимларини синаб кўриш имкониятига эгалар.

— Бундан олдин яратган дастурларингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Ўзим хорижий тилларни ўрганишга қизиққанам сабабли бундан олдин ҳам айнан инглиз тилига оид дастур яратганман. "English level test" Windows-илова дастури барча учун инглиз тилини ўрганишда қулай қўлланма саналади. Ушбу дастурдан бошланғич босқичдан юқори даражага қадар фойдаланиш мумкин.

Акмал АЛИМАРДОНОВ
суҳбатлашди



PS

Тошкент ахборот технологиялари университетида Х.Убайдуллаев сингари иқтидорли талабалар талайгина. Уларнинг илмий изланишлари ўз самарасини беряпти. Мазкур "e-Lug`at" дастурининг Windows муҳитида ҳамда мобил қурилмалар учун Android ва iOS муҳитларида ишловчи шакллари яратилган. Ушбу луғат базасида 145000дан зиёд сўз ва атамалар мавжуд. Таржима йўналишлари ўзбек-инглиз, ўзбек-рус, инглиз-ўзбек, инглиз-рус, рус-ўзбек, рус-инглиз тилларида. Шу ўринда айтиш керакки, ТАТУ талабалари айни кунларда ҳам кўплаб дастурлар яратиш борасида иш олиб боришмоқда.

Мафкуравий иммунитет

Тезкор коммуникациялар даврида яшяпмиз, шу босқичимиз — енгил, ўзоғимиз — яқин. Бироқ, танганинг иккинчи томони ҳам бор: бу жараёнда турли гоёлар кураши, ахборот ҳужумлари, мафкуравий тазйиқлар авж олиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлашув бугун муайян мамлакатни эгаллаб олиш, бирор халқни бўйсундириш воситалари ва уларнинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Илгари бу мақсадларга эришиш учун жуда катта салоҳиятга эга ҳарбий кучлар керак бўлган бўлса, ҳозирда турли ахборот воситалари: реклама роликлари, аудио ва видео маҳсулотлар (ҳатто кийим-кечаклар) орқали ўзига хос мафкуравий кураш авж олмоқда. Рухни тинчлантирувчи, асабларни аллаловчи муסיқалардан ҳам мафкура куроли сифатида фойдаланувчилар йўқ эмас.

Ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот ҳужумларини авж олдиришда интернет тармоғидан ҳам кенг фойдаланилантипти. Глобал тармоқ орқали диний экстремизм, фахш, гиёҳвандлик, зўравонлик, терроризм каби бало-қазоларни тарқатишга зўр бериллаётгани кишини янада ташвишга солади. Хавотирли жиҳати шундаки, бугун интернет маҳсулотларидан фойдаланиш нафақат компьютерларда, балки мобил алоқа воситаларида ҳам кечмоқда. Демак, ҳажм ва қамров жуда тез суръатларда ўсяпти.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимиздан Odnoklassniki, Facebook сингари ижтимоий тармоқлар, WhatsApp,

Telegram сингари мобил воситаларнинг ҳар бирига кунига бир миллиондан ортиқроқ киши қираёттир. Буларнинг аксарияти эса ёшлар. Изоҳи ўзингизга ҳавола...

Глобаллашув жараёнида дунёнинг бир қатор ҳудудларида кузатилаётган салбий ҳолатлар, тўполону тартибсизликлар ўша мамлакатлар ёшларига, уларнинг жамиятдаги қизиқишлари, ҳуқуқлари ва манфаатларига эътиборсизлик, ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги оқибатида келиб чиққани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, турли маънавий таҳдидлар авж олган ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "Оммавий маданият" шаклидаги ёт унсурлар ёпирилиб келаётган бугунги давр барчамиздан хушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-

оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Ёшларимизни мафкуравий таҳдидлар ва тажовулардан ҳимоя қилишда бирор-бир воситани чеклаш ёки тақиқлаш билан натижага эришиб бўлмайди".

Маънавий таҳдидларга қарши курашиш учун, аввало, инсонларда бузғунчи гоёларга қарши курашиш қобилигини — мафкуравий иммунитетни ривожлантириш зарур. Шунингдек, таълим-тарбияни тўғри йўлга қўя олсак, маънавий таҳдидларга қарши самарали курашган бўлаемиз.

Мамлакатимизда ёшларга қаратилган эътибор кундан-кунга кучайиб бораёттир. Бу гамхўрликларга жавобан биз ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимиз келажаги, халқимизнинг эртанги фаровонлиги йўлида ўз ҳиссамизни қўша оладиган етук кадр бўлишимиз лозим, бунга эса доимий ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин. Бошқача айтганда, барчаси яна ва яна оиладаги, таълим муассасаларидаги таълим ва тарбияга, эътиборимизга, хушёрлигимизга бориб тақалаверади.

Ж.ЖАББОРОВ,
Қарши МИИ қошидаги Нуристон академик лицейи ўқитувчиси

Суғурта – ҳимоя кафолати

Маълумки, суғурта фаолияти тарихи одамзотнинг онгли ҳаёт бошлаган даврига бориб тақалади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон азаддан тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб келган. Етиш-тирган турли ноз-неъматлари эвазига эл дастурхони тўқин-сочинлиги таъминланган. Ўз навбатида, яратилган ризқ-рўз турли табиий офатлар рўй бериб қолганда ҳимояланган. Бу масъулиятли вазифа асосан суғурта идоралари зиммасига тушгани сир эмас, кейинги пайтда ана шу хизмат турлари қўпайиб, суғурта компаниялари сафи кенгайишига имконият яратилди.

"Alskom" акциядорлик жамияти суғурта компанияси мустақиллик йилларида шакл топган шундай янги жамоалардан бири ҳисобланади. У қарийб ўн йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатиб келяпти. Филиалимиз ҳам компаниянинг ажралмас қисми сифатида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини имкон қадар муваффақиятли удалаяпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат

қияпти. Филиал ходимларининг "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали билан ҳамкорлик ўрнатгани айтиш мумкин бўлди. Шу туфайли туманлардаги почта алоқаси тармоқларининг бўлими ҳам суғурта хизмати тарғиботига жалб этилди. Ҳамкорлик филиалимизга қарашли тўртта бўлим ва учта агентлик шохобчаси билан баҳамжиҳат олиб борилаётганлиги кутилган натижага бермоқда.

Ўтган йили вилоят аҳолисига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, зарур қулайликлар яратиш бўйича яхши муваффақиятларга эришдик. Айниқса, ахборот riskларини, авто фуқаролик жавобгарлигини, мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда бахтсиз ҳодисалар-

дан эҳтиёт шарт суғуртаси каби хизмат турлари бўйича мақсадга мувофиқ ишлар амалга оширилди. Маълумки, мижоз — суғурталанувчи ўз хоҳишига кўра суғурта компаниясини танлаш ҳуқуқига эга, буни назарда тутиб "Alskom" суғуртаси моҳияти ҳақида етарли тушунча беришга ҳаракат қилияпмиз. Бу орқали "Суғурта компаниялари маблағ йиғиб оладилар-у, зарурат туғилганда то-вон пулини тўламаслик чораларини кўришади" деган асоссиз даъватларга ўрин қолдирмасликка эришяпмиз.

Олайик, ўтган йили вилоятнинг Узун туманидаги Телпакчинор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дуоба маҳалласида яшовчи Дилафрўз Рўзикулова бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олиб, даволангани юзасидан мурожаат этгач, воқеа бўйича тўпланган ҳужжатларга асосланиб, унга товон пули берилди. Шу билан бирга, "Тико" русумли янгил автотранспортига етказилган зарар филиал томонидан тўла қопланди.

Аҳил жамоамиз, ўтган йилдан эътиборан, янги ва замо-

навий жиҳозланган ҳамда етарли қулайликларга эга ишхонада фаолият кўрсатиб келмоқда. Энг сўнги рўсумдаги компютерлар кўмагида тезкор хизмат кенг йўлга қўйилган. Вилоятнинг Сароисиё, Денов, Бойсун, Қизирик, Шеробод туманлари ва Термиз шаҳридаги шохобчаларимизда ҳам замонавий суғурта хизмати кўрсатиш учун шарт-шароит яратилган. "Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш ҳаракатида ҳамкасбларимиз ҳам фаол иштирок этишмоқда. Айни пайтда амалдаги йил муносабати билан йўлга қўйилган "Эъзоз" суғурта полиси энг кекса ёшдаги инсонлар учун хизмат қилмоқда.

Умид қиламизки, филиалимиз аъзолари суғуртанинг чинакам ҳимоя кафолати эканлигини намойиш этиш учун бундан кейин ҳам ҳормай-толмай, сидқидилдан меҳнат қилишади.

Абдимурод ХУДОЙКУЛОВ,
АЖ "ALSKOM" суғурта
компанияси Сурхондарё
вилоят филиали раҳбари

Ҳаётдан мазмун излаб...

Инсон дунёга келар экан, умри давомида мақсади сари интилиб яшайди, танлаган соҳаси учун фидойилик қилади. Кинотелефилм ишлаб чиқариш соҳасида анча йиллар астойдил хизмат қилган Асқар Абдурахимов ҳам ана шундайлардан.

Асқар Абдурахимов 2012 йилдан Тошкент ахборот технологиялари университети телевизион технологиялар факултетининг "Телестудия тизимлари ва иловалари" кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ўз тажрибасини ёшларга астойдил ўргатиб келаётган устозни суҳбатга чорладик.

— Жорий йил БМТ томонидан Ёруғлик ва ёруғлик технологиялари йили деб эълон қилинган. Сиз айнан махсус ёритиш технологияси мутахассисларини етиштиратган устоз сифатида бу соҳа ҳақида нима дея оласиз?

— Айни пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ёруғликка хос фестиваллар ўтказилмоқда. Бугунги кунда ёруғлик нафақат ёруғлик объектига, балки маданият объектига ҳам айланган. Масалан, дунёнинг йирик шаҳарларида лазер шоулар, тунги фонтанлар ўйини, тунги бинолар ва кўчалар мисолида ёруғлик ўйинлари ташкил этиляпти. Бундай эътибор келажақда ёруғликнинг қачон, қаерда, қанча керак бўлишига катта аҳамият қаратилишини тақозо этади. Шу маънода ёритиш технологиялари соҳаси ривожига ўз ҳиссамни қўшиш мен учун бахт.

— Сиз учун талабалар ким?

— Ҳар қандай илм даргоҳида икки объект бор. Булар илм олувчи ва илм берувчи. Қол-

ганлари эса шуларга ҳамроҳ. Бу икки бўғин бир-бирисиз шакллана олмайди. Улар бир-бирини тўлдирди ва ривожлантиради. Талабалар турли бўлишади. Агар улар ўқитувчини тушуниб, фанга қизиқиши бу, албатта, ёқимли ҳолат. Ўқитувчи эса мавзунини талабага тўғри етказа билиши лозим. Талабаларнинг ўтилган мавзу бўйича савол бериши учун ўқитувчи талабани фанига қизиқтира олиши керак.

— Ёритиш усталари учун ранг жиҳатлари қанчалик муҳим?

— Ёруғлик электромагнит тўлқинидир. Шундай экан, ҳар бир ранг ўз тўлқинига эга. Биз доим қайтган ёруғликни кўраимиз. Олимлар тадқиқотига кўра, тўлқинлар оптик муҳитдан ҳар хил ўтади. Шу ўринда одам кўзи ҳам уч асосий рангга кўпроқ мойил, улар қизил, яшил ва кўк ранглардир. Бу жиҳат ёритиш усталарига нисбатан операторларга муҳимроқ. Сабаби, ҳар бир ранг ўз рамзий сиймосига эга. Масалан, қизил — дўстлик рамзи бўлса, яшил — бунинг аксидир. Дунёнинг кўпгина машҳур фестивалларида иштирок этувчи "юлдузлар" қизил рангли кийимлардан унумли фойдаланишади. Ёки "Ниқоб" филмидаги ниқобли одам яшил рангда ишланган. Шунга қарамай, яна шундай фикрлар борки, яшил ранг одам кайфиятини кўтариб, иш фаолиятини яхшилар экан. Кўк ранг эса совуқ ҳисоб-

ланиб, оператор ўз кадрида номаълумликни, тунни, совуқни ифодамоқчи бўлса кўк рангдан фойдаланади. Яъни, махсус филтрлар ёрдамида рангларни бошқаради. Вазият туғилганда рангларни ўзаро боғлаш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар бир ранг ўз табиатида, яратадиган кайфиятига ва ўз таъсир кучига эгадир. Шундай бўлса-да, ҳозирги баъзи бир кино яратувчилар рангли тасвирдан рангсиз, оқ-қорани афзал кўришмоқда. Масалан, "Оскар" совринига сазовор бўлган "Артист" ва "Ида" филмлари оқ-қорада тасвирга олинган бўлиб, унда актёрнинг ички ҳолати юксак даражада ифодаланган. Машҳур rassom ва фотографлар ҳам инсоннинг ички кечинмалари ва кайфияти оқ-қора тасвирда аниқроқ ифодаланишини таъкидлайдилар.

— Педагогик фаолиятингиз сизга қандай масъулиятни юклармоқда?

— Менинг соҳам ишлаб чиқариш ва бошқаришга асосланган. Кўп йиллар "Ўзбектелефилм" студиясида муҳандис-механик вазифасидан тортди директор вазифасига ҳам ишлаганман. Бу соҳадаги орттирган тажрибаларим талаба ёшларга асқотиши табиий. Ҳозирги кунда соҳа мутахассислари ўзининг амалий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим бериши долзарб бўлиб турибди. Ўқитувчи олиб бораётган фанини нафақат назарий, балки амалий тажрибасидан келиб чиқиб, барча талабаларга жараёнларни етказиши кўпроқ сифатни белгилайди. Бундан ташқари, ўз фанини янги замонавий технологиялар ҳамда илмий янгиликлар билан тўлдириб бориши муҳим. Талабалар билан фикр алмашиш, вақт билан ҳамнафас бўлиш ва ҳаётимиздаги ривожланишнинг жадаллиги туфайли ёритиш мосламаларига оид мавзуларни қизиқарли ва самарали тарзда талабаларга етказиши асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Суҳбатдош
Камолиддин ИСМОИЛОВ,
ЎЗДСМИ магистранти

"Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонасида бирор тантанали тадбир ўтказилмайдиган бўлса, бу ерда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, корхона ривожига муносиб улуш қўшган ва бугунги кунда пенсияда бўлган алоқачиларни, албатта, тақдир этилади. Фахрийлар эса қадрдон даргоҳга қалба соғинч, юракда ҳаяжон билан қадим ранжида қиладилар. Ва салом-алиқдан сўнг биринчи навбатда шогирдлари — зиммасидаги масъул вазифани ишониб топшириб кетган ёш мутахассислар томон ошиқадилар. "ЭМММ" ДУКнинг ана шундай фидойи фахрийларидан бири Иброҳим Исроиловдир.

Меҳнат қилган элда азиз

1954 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган Иброҳим Исроилов Юнусобод туманидаги 105-мактабни аъло баҳолар билан тамомлади. Қалби юксак орзуларга лиммо-лим ўспирин қайси касбни эгалласам экан, деб ўйлаб ўтирмади. Сабаби, унинг мақсади аниқ, ҳали мактабдалиқ пайтдаёқ Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга киришга тайёргарликни бошлаб юборган эди. Шу сабабли биринчи уринишдаёқ унга талабалик бахти насиб этди.

Институтни битиргач, дастлабки иш фаолиятини мазкур корхонада оддий муҳандисликдан бошлади ва йигирма беш йил шу даргоҳда самарали меҳнат қилиб, етакчи муҳандислик даражасига кўтарилди. Бугунги кунда у кишининг ўнлаб шогирдлари бор.

— Пенсияга чиққангизга эн-

дигина бир йил бўлди — дейди қаҳрамонимиз. — Минг шукрки, ишонамдагилар қачон келсам, иззат-икром билан кўтиб олишади, ҳурматимни жойига қўйишади. Дастлабки иш бошлаган пайтларимда Константин Коновалов, Мрав Челингорян каби моҳир алоқачилардан иш ўрганган бўлсам, бугунги кунда 1-техник радионазорат станциясининг барча йигитлари мени ўзларига устоз деб билишади. Мен ҳам уларни фарзандларимдай яхши кўраман. Ютуқларидан қувониб, қачон ёрдамим керак бўлса, тайёр турман, мана шу станция юрагимнинг бир парчасига айланган.

Дарҳақиқат, И.Исроилов алоқа соҳасида ишлаб кам бўлмади. Аввало, танлаган касби унга катта ҳурмат келтирди. Соҳа ходимлари Иброҳим Исроилов номини ҳамма вақт

эҳтиром билан тилга олишади. Қолаверса, юқори ташкилотларнинг қатор фахрий ёрликлари билан мукофотланди. Бу ҳам унинг фидокорона меҳнатлари эътирофидир.

Иброҳим Исроиловнинг кўпчилик ҳавас қиладиган яна бир томони — аҳил ва мустаҳкам оиласи. У киши умрини педагогика соҳасига бахшида этган рафиқаси Хуршидахон билан биргаликда уч нафар фарзанд — икки ўғил, бир қизни эл хизматида камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашди. Ўғиллари ота касбини танлашган — Дилшод "Билайн" компаниясида бўлим бошлиғи бўлса, Дониёр East Telecomда муҳандис. Қизлари Дилноза фарзанд тарбияси билан банд. Беш нафар нева-ра оиланинг эркатойлари ҳисобланишади.

Ҳа, "Меҳнат қилган элда азиз", деганлари шу бўлса керак.

Муборак МИРКАМОЛОВА



Кўнгиллар тоғдек кўтарилган кун

Абдуманнон ота Абдурахимов ҳозир 72 ёшни қоралаб турган бўлса-да, йигитлардек тетик-бардам. Маҳалла тўй-маросимларида маслаҳатчи. Ёшларга насиҳатгўй.

Телекоммуникация соҳасида узоқ йиллар ўзи билан бирга меҳнат қилган 23-25 нафар алоқачи фахрийларни Наврўзи олам арафасида бир жойга йиғиб, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандни зиёрат қилишни ва бир пиёла чой устида суҳбат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

"Ўзи" кўшма корхонаси раҳбари Гера Лига мақсадини айтиб, соҳада ҳар бири 35-40 йилдан ортиқ меҳнат қилган фахрийлар учун бир кунга автобус ажратишни илтимос қилди.



Самарқандлик меҳнат фахрийлари

Узоқ йиллар кабел пайвандчи бўлиб меҳнат қилган Фуломхайдар Аминов, қурилиш таъмирлаш бригадасида етакчи бўлиб ишлаган Полвон Худойқулов, унинг укаси — кабел пайвандчи Даврон Худойқулов, электр таъминоти қурилмалари бўйича электромеханик Мардон Раҳмонов, участка электромонтёри Истат Шукуров, кабел пайвандчилар Муҳиддин Носиров, Ражаббой Йўлдошев, алоқа муҳандиси Мусин Холиқов, 40 йилга яқин вилоят техник ишлаб чиқариш алоқа бошқармасида электр алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб нафақага чиққан Асрор Ахрорқулов ва бошқалар зиёратга отландилар.

Улар, аввало, Хўжа Дониёр пайғамбар қабрини зиёрат қилишди. Сўнгра Улугбек расадхонаси, Махдуми Аъзам, Хўжа Исмоил имом ал-Бухорий мажмуида бўлишди.

Шундан сўнг барчалари биргаликда вилоятнинг Пайариқ туманига отланиб, ўзларининг ҳамкасблари, вилоят техник ишлаб чиқариш алоқа бошқармаси (ҳозирги "Ўзбектелеком" АҚ Самарқанд филиали) капитал-қурилиш ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари вазифасида кўп йиллар меҳнат қилган, бугунги кунда меҳнат фахрийси Мамарайим Нусратов хонадонидида бўлиб, уни Наврўзи олам билан табриқладилар.

Сафардан кўнгиллари тоғдай кўтарилган кекса алоқачилар бундай тадбирларни аънавога айланатиришни мақсад қилишди.

Х.АБДУҒАФУРОВ

Бахтиёрликнинг асл кўриниши

Айтишларича, инсоннинг ёши улғулашгани сари унинг ўзи ҳам улғулашиб боради экан. Гарчи юриш-туришида илгариги шижоат бўлмаса-да, эймо тўлашган ақл ва вазмин мулоҳазакорлик ҳар қандай тўсиқни ёриб ўтишга қодир бўлади. Узоқ йиллар давомида орттирилган тажриба ҳамиша ўз сўзини айтиб туради. Зеро, ҳаққимиз орасида "Қари билганим пари билмас" деган ҳикмат бежизга томир отмаган.

— Шундай бўлса-да, одам кексайганда жамиятдан ажралиб қолмаслиги, эътибордан четда қолиб кетмаслиги гоёт муҳим масала, — дейди Узунқўча маҳалласида яшовчи пенсионер Рустамжон ҳожи Таваккалов. — Бизнинг инсонпарвар юртимизнинг ютуғи ҳам шунда бўлса керак деб ўйлайман. Мустақиллик йилларида инсон нақадар азизлиги, унинг бу дунёда бахтли яшаши, фаровон турмуш кечириши учун қилинаётган барча сайё-ҳаракатлар кўнгилни тоғ каби кўтаради.

Ҳа, ҳаётнинг паст-баландликларидан, оғир ва ташвишли сўқмоқларидан юриб ўтишнинг ўзи бўлмайди. Ҳалол меҳнатдан қайтмаган, тўғри йўлдан оғмаган кишилар ибрати ва тажрибаси ёш авлод учун мактаб ўрнини босади. Шу маънода Р.Таваккалов ҳам бошқа меҳнат фахрийлари каби ўз умридан, ҳаётидан мамнун. У аслида Қўрғонтепа туманидаги солиқ "Савай" давлат хўжалигида туғилган, Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаган. Хўжаобод туманига йўлланма билан келиб, оддий ходимликдан етук мутахассис даражасига кўтарилган ва бир умр шу заминнинг фарзанди бўлиб қолган.

— Мустақил ҳаётга қадам ташлаган ҳар қандай ёш аввало яхши устознинг қўлига тушиб қолишни ният қилиши керак экан, — деди у. — Талеимдан ўргилайки, менга Абдунаби Тоғай-

алиев, Жўраҳон Мамажонов, Абдулатто Мўминов, Ҳасанбой Патидинов каби улғу инсонлардан иш ўрганиш насиб этди. Улар вилоят алоқа тизими ривожига катта ҳисса қўшганлар. Улардан касбга меҳр қўйиб ишлашни, масъулият ҳисси билан фаолият юритишни ўргандим. Умримнинг мазмуни шунда эканлигини ўйласам, ўзимдан ўзим қувониб, яшнаб кетаман.

Елкасида бир тўплам оғир кабелини кўтариб, телефон носозликларини тузатиш билан шугулланган оддий монтер йигит кейинчалик ўсиб-унди.

Хўжаобод, Жалақудук, Қўрғонтепа алоқа бўлимларида бош мутахассис ва раҳбар бўлиб ишлади. Талабчанлиги туфайли обрў-эътибор топди. Кейинчалик унга катта масъулиятли юмуш — вилоят алоқа инспекцияси бошлиғи вазифасини ишониб топширишди. Алоқа ва почта хизмати сифатини яхшилаш, техник янгилаш, кадрлар масъулиятини ошириш ишига бутун билим-тажрибасини бағишлади.

Рустамжон ака ўз шогирдларидан, ёш кадрлардан кўп мўъжизалар кутаётганлигини завқланиш билан айтди. Унинг чеҳрасида бахтиёрликнинг асл кўриниши — ўз ҳаётдан миннатдорлик шодиёнаси балқиб турарди.

Маҳмуд ИБОЕВ,
Ўзбекистон журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси, пенсионер

Эрталаб ишга ҳар доимгидай вақтидан анча олдин келган Каримбой, кеча берган ваъдасига кўра, Хонқа туманига йўл олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Тумандаги "Дўстлик" маҳалласи ҳудуди орқали ўтган ер ости кабелларининг носозлиги туфайли алоқа бузилган эди. Бу ҳолат тезда бартараф этилмаса, аҳолининг эътирозига сабаб бўлиши мумкин, ўйлади уста ва иш учун керакли бўлган анжомларни ён халтасига солиб олди. Шу пайт уяли телефони жиринглаб қолди.

Умр мазмуни

— Лаббай, эшитаман! — деди у, анжомлар халтасини кўптиқлаб эшик томон юраркан.

— Каримбой ака, ёрдамингиз керак, — деди нариги томондаги овоз эгаси. — Ҳозир эплэй олмаяпмиз.

Каримбой ака овоз эгасини таниди. Бу ўзи раҳбарлик қилаётган лаборатория муҳандиси Сафарбой Худойберганов эди.

— Тинчликми, Сафарбой? — сўради Каримбой ака.

— Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жараёнида кабелни кесиб юборишган. Тезда муаммони бартараф қилишимиз керак. Сизнинг ёрдамингиз зарур.

— Ҳозирок етиб бораман.

Каримбой ака машинасига ўтириб айтилган манзилга йўл олди. Кабелдаги симларни текшириш ва бир-бирига улаш ишларини игна билан қудуқ қозишга ўхшатиш мумкин. Бу майда ва зерикарли иш бўлиб, уни бажарётган ходимдан юқори билим ва тажриба, сабр-тоқат талаб этилади. Салгина янглишиш яна бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам Каримбой ака шогирдлари билан биргаликда тезкорлик билан ишга киришди. Симларни бири-бирига улаш, эскиларини алмаштириш ишлари анча вақтгача давом этди. Улар ишларини якунлаганда вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди. Шундай



бўлса-да, Каримбой ака ваъдасида туриб, Хонқа туманига бориб келди ва бугунга режалаштирган ишларини эртага қўямасдан бажарганидан кўнгли хотиржам тортиб уйига жўнади.

Бу 2011-2012 йилларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Хоразм филиалида лаборатория бошлиғи бўлиб ишлаган Каримбой Ҳамроевнинг иш фаолиятдан кичкина лавҳа, холос. У Хонқа туманида туғилиб ўсган. Алоқа соҳасига қизиқиши сабаб 1982 йили тумандаги телекоммуникация боғламасига электромонтёр бўлиб ишга кирди. Кейинчалик бу соҳадаги билимини оширишга қарор қилди ва Тошкент электротехника алоқа

институтининг сиртки бўлимига ҳужжатларини топширди. Болалигидан зеҳни ўткир, мактабда яхши ва аъло баҳоларга ўқиган Каримбой имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди.

1994 йили институтни муваффақиятли тамомлаган Каримбой акани Янгиариқ туман электр алоқа боғламаси бош муҳандиси вазифасига тайинлашди.

— Илгари уланиш қўлда амалга оширилар эди, — дейди Каримбой Ҳамроев. — Кейинчалик координаталар АТС 50/200 рақамли станциялар ишга туширилди. Бугунги кунда эса 100/2000 рақамли ва DTS-1100 ҳамда алоқа тизимининг янги авлоди — IP-

телефония тизимидан фойдаланяпмиз. IP тизими йўналишида ишлаш жуда қулай, айниқса, ёшлар учун. Чунки, ҳозирда техника соҳаси тараққий этган. Ҳатто, дарс жараёнлари ҳам компьютер воситаси орқали ўтказилапти. Ёшлар эса ана шу аснода катта бўлишмоқда. Шунинг учун ҳам бу тизим уларга, яъни шу касбни танлаган мутахассисларга мос деб айта оламан.

Учта ўғил ва битта қизнинг сеvimли отаси, етти-нафар набиранинг меҳрибон бобоси бўлган Каримбой ака айна пайтда кексалик гаштини сурмоқда. Аммо, у бекор ўтиргани йўқ, шогирдларидан ёрдамни аямаяди. Ўзининг бой тажрибаси ва маслаҳатлари билан уларга мадад бўлмоқда. Дарвоқе, Каримбой ака "йўқ" деган сўзни жуда кам ишлатади. Айна кунларда Хонқа, Кўшкўпир ва Шовот туманларида телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси вазифасида фаолият кўрсатаётган Озод Нурметов, Аллаберган Рахимов, Султонбой Матёкубов каби ўнлаб шогирдлари устозни хурмат билан тилга олишади.

— Менинг алоқачилик соҳасига меҳр қўйишимда устозим Каримбой аканинг ҳиссаси катта, — дейди Кўшкўпир телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Аллаберган Рахимов. — Чунки, янги иш бошлаганимда бу соҳа менга жуда қийин туюлган эди. Аммо, устоз берган сабоқлар туфайли бугун ўз йўлимни топа олдим.

Фидойи хизматлари билан ҳамкасблари ва халқ эъзозига сазовор бўлган Каримбой акага узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

"Яшаш яхши, яхши яшаш эса ундан-да яхши", дейишади. Келинг, инсонларни кутубхонадаги китобларга қиёслаб кўрамиз. Бир қарашда китоблар бир хил, лекин ҳар бирининг ўз тарихи, ҳикояси ва қаҳрамонлари бор. Уша китобларнинг баъзи бирларини ўқиганинг сари ўқигинг келади. Инсонлар ҳам шундай. Баъзилар билан сўхбат қургинг, уларнинг маъноли сўзларини тинглагинг келаверади. Ҳикоямиз ана шундай қалби тоза инсон ҳақида.

Менинг бахтим



Болалигидан тиришқоқ, эпчилликда тенги йўқ Ҳабибага тенгқурлари ҳавас қарашарди. Бошлаган ишини охиригача етказмасдан қўямасди. Орзуси шифокор бўлиш эди — мактабни тамомлаб, тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Қиз бола паллахмон тоши — ўқиб юрган кезлари Қашқадарёга келин бўлиб тушди. Буни қарангки, биз таърифлаётган Ҳабиба Воҳидова бугун шифокор эмас, балки алоқачи. Фаолиятини 1977 йили Қарши почта алоқаси тармоғининг обуна бўлимида бошлаган. Шунга ҳам 38 йил бўлибди.

— Илк йиллари менга Валентина Аксиева иш ўргатди. Қолаверса, Людмила ва Надежда каби тенгқур дугоналарим етакчи мутахассис бўлишимга кўмаклашишди. Ўтган йиллар давомида Нуриддин Бобоев,

Муҳаббат Муҳаммадиева, Бобомурод Одилов, Йўлдош Ниёзов ҳамда Равшан Жўраев каби раҳбарлар билан аҳил жамоа бўлиб ишладик. Уларнинг берган сабоқлари менга катта дарс бўлди. Гарчи мен кўшни мамлакатда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонда яшаётганимдан бахтиёрман ва алоқачи бўлганимдан фахрланаман, — дейди Ҳабиба Воҳидова.

Юқоридаги фикримизга қайтсак: "Яхши яшаш — жуда яхши". Ҳабиба опа инсон яхши яшашининг асл матлаби дея умр давомида бошқаларга қилинган яхшиликлару савобли ишларни эътироф этади. Касбига бўлган меҳри туфайли бугун алоқачилар жамоасида хурмат ва обрўга эга. Устозлари изидан бориб, кўплаб ёш мутахассислар етиштирди.

Ҳабиба Воҳидова оиласининг чинакам таянчи бўлган она. Турмуш ўртоғи билан аҳил ва фаровон ҳаёт кечирди. Дарё бир хил оқмайди. Ҳаётнинг аянчили бир кунда суюнган тоғи — умр йўлдошидан айрилиб қолди. Шундай бўлса-да, иродасига, жамоасига суюнди. Ўзини йўқотиб қўйгани йўқ. Ахир, турмуш ўртоғидан қолган ёдгорлари — бир эмас тўртта фарзанди учун бошини баланд кўтариб яшаши лозим эди. У бор кучи ва жон-жаҳдини болаларининг яхши яшашига сарфлади, бир оз бўлса-да, тиним билмади. Нуридийдаларини бирин-кетин ўқитди, барчасини олий маълумотли қилди.

— Кўп мамлакатларда бўлдим, саёҳат қилдим. Лекин барчасида бир хил туйғуни сездим. Она Ватан меҳри ва она тупроқни ҳеч бир нарсага қиёслаб бўлмас экан. Чет элда кўпи билан уч кунгача бўлишим мумкин, ундан ортинги чидаёлмай қоламан — Ватан туйғуси шу бўлса керак-да, — дейди Ҳабиба Воҳидова.

Ҳа, ҳеч бир туйғу Ватанни севишдек, унинг қадрига етишдек кучли бўлмаса керак. Айниқса, Ҳабиба опадек юртга, ўз касбига фидойи оналар бор экан, тинч ва осойишта ўтаётган ҳар кунимиз болажонлар қийқириғига тўлаверади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низомининг 49-бандига асосан:

"DISCOVERY CONSULT" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;
- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2012 йил 16 февралда берилган АА серияли 0003976 рақамли;
- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2012 йил 16 февралда берилган АА серияли 0003975 рақамли;

"LORD RUSLAN" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004521 рақамли;

"ALFA FOBUS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2005 йил 2 сентябрда берилган АА серияли 0001113 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 31 мартдан тугатилди.

Фарғона водийсида "ХАВАР" кунлари!

Газета таҳририяти 3 май – Халқаро матбуот эркинлиги кўни муносабати билан шу йилнинг 1-3 май кунлари Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида ўз ўқувчилари билан юзма-юз учрашувлар ўтказди. Водийнинг қишлоқ ва шаҳарларидаги соҳа корхоналари, ташкилот ва ўқув муассасалари ходимлари ва барча газетхонларни ана шу ижодий учрашувларга таклиф қиламиз.

Хўрматли газетхонлар! Агар Сизда ижодий мулоқотлар билан боғлиқ таклифлар, мулоҳазалар ёки саволлар бўлса, ҳозирдан таҳририятнинг info@xabar.uz электрон почта манзилига юборишингиз мумкин.



Тошкентда жаҳон чемпионати бошланди

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 1 апрел куни қилич-бозлик бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлди.

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Жаҳон чемпионатида 100га яқин давлатдан спортчилар баҳслашмоқда. Ватанимиз шарафини Файзулло Алимов, Санжар Собиров, Санжар Алимов, Малика Ҳакимова каби иқтидорли ёшларимиз ҳимоя қилмоқда.

Дзюдочиларимиз муваффақияти

Туркиянинг Самсун шаҳри меъзолик қилган Гран-при турнирида ҳам полвонларимиз тажриба ва маҳоратини намойиш этиб, иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

Турнирнинг вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасидаги беллашувларида ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфиллаев ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Орхан Сафаровни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Пекин ва Лондон Олимпиадаси совриндори, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар мусобақасида финалда мўғулистонлик Тумурхулег Даваадорж устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Яна бир ҳамюртимиз Шерали Жўраев 90 килограммгача бўлган оғирликдаги полвонлар беллашувида бронза медални қўлга киритди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси турнирда умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.



Олти медал

Латвия пойтахти Рига шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ёш курашчиларимиз жами олти медални қўлга киритди.

Турнирнинг юнон-рум кураши бўйича вазни 55 килограммгача полвонлар беллашувида Ислон Бахромов рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифасида Жаҳонир Мираҳмедов қумуш, Қамариддин Зайниддинов бронза медал билан тақдирланди.

Эркин кураш усталари ўртасида полвонларимиздан Ҳожиакбар Ўткиров иккинчи, Шоядбек Бозорбоев учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Зухра Мустанова қумуш медалга лойиқ топилди.

Чемпионлик учун кураш қизгин

Пойтахтимизда шахмат бўйича 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Унда 100 нафардан зиёд ёш шахмат устаси баҳслашмоқда.

Мусобақанинг 12 ёшгача ўғил болалар баҳсида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган шахмат бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов пешқадамлик қилмоқда. Навоийлик Мехридин Йўлдошев ва пойтахтлик Сухробжон Аввалбоев кейинги ўринларда бормоқда.

Қизлар ўртасида ушбу ёш тоифасида пойтахтлик Д.Ҳамроева, сирдарёлик Ф.Абдуллаева, сурхондарёлик Г.Абдухолиқова, А.Турсунова, Тошкент вилоятидан М.Хамиджонова икки очко билан етакчилик қилмоқда.

Ун тўрт ёшгача ўғил-қизлар ўртасидаги биринчи тур баҳсларида биронта дуранг қайд этилмади. Йигирма етти нафар шахматчи партияни ўз фойдасига ҳал қилди.

Корея билан дуранг, Япониядан мағлубият

Япония ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик ўйини йирик ҳисоб билан яқунланди.

Футболчиларимиз рақибларига йирик 1:5 ҳисобида имкониятни бой берди. Ягона жавоб тўпини Ислон Тўхтаев киритди.

Тўрт кун аввал Жанубий Корея билан кечган ўртоқлик ўйинида 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилганди.

Тўғридан-тўғри йўлланма бой берилди

Бангладешда бўлиб ўтган 2016 йилги Осиё чемпионати саралаш гуруҳ босқичи доирасидаги Сурия U-2 – Ўзбекистон U-23 учрашувида олимпиячиларимиз 2:1 ҳисобида мағлуб бўлишди.

Бунгача Ашурматов шогирдлари Ҳиндистонни 2:0, Бангладешни 4:0 ҳисобида мағлуб этганди.

Гуруҳда Сурия тўғридан-тўғри Қатарда ўтадиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди. Терма жамоамиз эса энди қолган гуруҳлардаги ўйинлар яқунланишини кутишга мажбур. Иккинчи ўрин эгалари орасида энг яхши натижа қайд этган 5та терма жамоага ҳам финал босқич чиптаси тақдим этилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг ПХХ бўлини маси Бешкент почта алоқаси тармоғи техниги Хусниддин Авазова волидаи мухтарамаси Гулнара ҚАРШИЕВАнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал техник директори Исоқ Исмоиловага падари бузрукворига Исроил ота ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

"Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" Урганч филиали жамоаси филиалнинг маркетинг бўйича мутахассиси Амина Атажановага онаси СОНИЯ аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ХАСБИ ХОЛ:

Бахтиёр РУСТАМОВ 1946 йилнинг 31 мартида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Тахтапца даҳасидаги 22-мактабни аъло баҳолар билан тавомлаб, 1964 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг радиозлоқа ва радиозиттириш факультетига ўқишга кирди. 1969 йили институтни имтиёзли диплом билан битирди.

1969 йилнинг август ойида институт йўлланмаси билан Тошкент шаҳар радиозиттириш марказига муҳандис бўлиб ишга жойлашган Бахтиёр Рустамов сажам ярим асрлик фаолияти давомида соҳага янги техника ва технологияларни татбиқ этиш, шунингдек, радиотелевидение, халқаро электр алоқа ва кўп каналли телевидениени ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Утган йиллар давомида 15дан ортиқ техник тақлиф ва 20га яқин техник ишланмалар яратди. Япониянинг NEC компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда халқаро алоқаларни ташкил этиш станциясини муваффақиятли ишга туширишда фаол қатнашди.

Айни пайтда рафиқаси Ҳидоят ая билан биргаликда фарзанд ва набиралар, шогирдлари эрдарида умргузаронлик қилмоқда.



Устоз бўлиш улуг мартаба

— Бахтиёр Исломович, алоқа соҳасига кириб келишингизга ким сабабчи бўлган?

— Падали бузрукворим Исом ака Рустамов республикамизда алоқа соҳасини ривожлантиришга умрини бағишлаган етук олимлардан бири бўлиб, қатор масъул лавозимларда меҳнат қилган инсон эди. Мен отам туфайли алоқа соҳасига меҳр кўйдим ва соҳада эришган ютуқларим, ҳурмат-этибор учун ҳамиша улардан миннатдорман.

— Алоқа ва ахборотлаштириш республикамизда энг ривожланган соҳалардан бирига айланган. Соҳанинг етук мутахассиси сифатида олиб борилаётган ишларга қандай баҳо берасиз?

— Ҳозирги кунда соҳадаги ривожланиш, илғор мамлакатлар билан олиб борилаётган ҳамкор-

ликни кўриб, ҳайратга тушаман. Татбиқ этилаётган янгилик ва ўзгаришлар дақиқада эмас, сониялар сари ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берапти. Соҳамизда ишга туширилаётган лойиҳалар, янги технологияларнинг жорий қилиниши натижасида мижозларга жаҳон андозаларига жавоб берадиган ўнлаб техник хизматлар тақлиф қилинмоқда (интернет, IP-телевидение, сифатли халқаро ва маҳаллий телефон алоқаси, юқори сифатли рақамли телевидение, интернет-магазин ва ҳоказолар). Буларнинг ҳаммаси жадал ривожланиш белгисидир ва бу, энг аввало, соҳани ривожлантиришга ҳукумат этиборининг ортиши, шунингдек, етук мутахассислар ва раҳбарларимизнинг ҳаракати натижаси деб биламан.

Келажакда соҳада бундан-да кўпроқ ютуқлар кўлга киритилишига ишонаман.

— Ярим асрлик фаолиятингиз давомида юз нафардан ортиқ шогирдга устозлик қилдингиз. Айни пайтда улар турли йўналишларда меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб улус қўшишяпти. Яхши устоз бўлиш ҳам бахт, шундай эмасми?

— Албатта, устозлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт, яхши устоз бўлиш эса улуг мартабадир. Халқимизда "Устоз отангадай улуг" деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Устозларимиз биз шогирдларнинг нафақат чуқур билим олишимизга сабаб бўлган, балки ҳаётий масалаларда ҳам тўғри йўл кўрсатиб, умр йўлимиз равон бўлишига катта ҳисса қўшган инсонлардир. Фаолиятим давомида устозлардан олган меҳрни, оқибатни шогирдларимга улашдим, холос.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Рафиқам алоқа соҳасида кўп йиллик фаолият юритиб, пенсияга чиқди. Биргаликда кексалик гаштини суряпмиз. Ўғлим Дилмурод "Бош коммутация маркази" филиалида халқаро сунъий йўлдошлар орқали алоқа бўлими муҳандиси. Қизларим ҳам соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

— "Xabar" газетаси ходимларига тилак ва тақлифларингиз.

— Газета жамоаси долзарб мавзуда ёзилган мақолалар орқали соҳадаги янгиликларни ёритиб бориб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшишяпти. Улар кўп йиллик тажрибага эга алоқачилар ҳаёти ҳақида кўпроқ ёзсалар, айни муддао бўлар эди.

Муборак ИДРИСХЎЖАЕВА суҳбатлашди

● Реклама


ALSKOM

сугурта компанияси



"ALSKOM" сугурта компаниясининг тиббий сугуртаси ходимларингиз соғлиги ҳақидаги гамжўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёр тиббий сугурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.



Бизнинг сугурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

"ALSKOM" сугурта компанияси АК
Тошкент ш. Амир Темури к. 109
E-mail: info@alskom.uz
Тел.: 147-11-00 (211,312) Факс: 147-22-00

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОМУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтаининг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, +41-уй.

Г-465 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 12589 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари: Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99